

Ақийда дарслари (41-дарс). Абу Ҳанифанинг қадри



15:00 / 10.07.2019 6631

Бу буюк имомнинг асл исmlарини кўпчилик билмайди ҳам. Аммо ҳамма Имоми Аъзам, яъни «улуғ имом», «катта имом» деб номлайди. Ҳақиқатан ҳам, у киши бунга сазовор зот эдилар. «Зар қадрини заргар билади» деганларидек, у кишининг қадрларини ҳам уламолар, имомлар биладилар.

Имоми Аъзам ҳақида бошқа мазҳаб соҳиби имом Шофеъий:

«Одамлар фикҳда Абу Ҳанифанинг боқимандаларидир», деганлар.

Бошқа бир мазҳаб соҳиби имом Моликдан одамлар: «Абу Ҳанифани кўрганмисиз?» деб сўрашганда, «Ҳа, агар ушбу устунни тилла демоқчи бўлса, ҳужжат топа оладиган одамлигини кўрдим», деб жавоб берган эканлар.

Машҳур имом Абдуллоҳ ибн Муборак: «Фикҳда энг кучли одам Абу Ҳанифадир. Унга ўхшашини кўрмадим», деганлар.

Улкан илм соҳиби бўлмиш имом Абу Ҳанифа ўз мазҳабларини бино қилишда Қуръони Карим, Суннати набавия, ижмоъ, қиёс, саҳобаларнинг қавлларига суяндилар. Ҳукмларни чиқаришда қиёс ва истехсонга бошқалардан кўра кўпроқ мурожаат қилдилар.

Уламолар бу ҳақда у кишининг ўз сўзларини иқтибос қилиб келтирадилар: «Мен ҳукми аввало Аллоҳнинг Китобидан оламан, ундан топмасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан оламан. Агар Аллоҳнинг Китобидан ҳам, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан ҳам топа олмасам, саҳобаларнинг гапидан бошқаникени олмайман. Гап Иброҳим, Шаъбий, Ибн Сийрийн ва Ибн Мусаййибларга етганда, ўзим уларга ўхшаб ижтиҳод қиламан», деганлар.

Аmmo биз бу сатрларда Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг ижодини, илмий меросини фақиҳ сифатида эмас, ақоид илми олими сифатида ўрганмоқчимиз.

“Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар” китобидан